

Ishonch

2019 йил 10 ноябрь • яшанба • № 136 (4265)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!
Хурматли тиббиёт ходимлари!
Аввало, инсон соғлигини асраш ва мустақамлашдек олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан чин қалбимдан табриқлайман.

Биз сизларнинг тимсолингизда халқ саломатлиги йўлида ўз ҳаловатидан кечиби, кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларини кўраимиз.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг «**Табобат барча илму санъатлар ичида энг буюк илм ва санъатдир**», деган сўзлари машаққатли ва эзгу фаолиятингизга берилган ҳаққоний баҳодир.

Қадрли юртдошлар!
Ўз аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилиш – ҳар қайси давлат ва жамият учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга долзарб масала саналади.

Юртимиз ҳудудидида қадимдан кўплаб шифо масканлари, тиббий мадрасалар фаолият юритгани, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз яратган бебаҳо асарлар, уларнинг дори-дармон тайёрлаш ва даволаш усуллари бутун жаҳонда машҳур бўлгани аждодларимизнинг бу соҳа ривожига қандай катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Мамлакатимизда туб янгиланишларни аввало ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари бўлиши тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлигини муҳофаза қилишдан бошлаганимиз бежиз эмас.

Чунки тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун аҳолисининг учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Ўтган даврда соғлиқни сақлаш тизимидида эришилган ижобий натижалар билан бирга, ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли кейинги уч йил давомида юртимизда фуқаролар мурожаатлари, фикр-мулоҳаза ва таклифлари атрофчила ўрганилиб, тиббиёт тармоғини чуқур ислоҳ қилиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон асосида 2019-2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди.

Буларнинг барчаси бирламчи тиббий-санитария ҳамда шошилинч ва тез ёрдам бўғинидан тортиб, юқори тузилмаларигача иш фаолиятини ташкил этишда асосий эътиборни инсон омилига йўналтириш, тиббий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини халқаро меzonлар даражасига етказиш борасида янги имкониятлар яратиб бермоқда.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Айни пайтда тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни яхшилаш мақсадида юртимизда 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ ва 178 та шаҳар оилавий поликлиникаларида аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, ижтимоий дорионалар, куну тун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди ҳамда 5 та тор соҳа мутахассисларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Жисмоний шахслар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган ахилит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан 1666 тага етказилди ва улар аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқинлаштирилди. Автотранспорт паркинни янгилаш учун 1500 дан ортиқ «Тез ёрдам» машиналари харид қилинди.

Яна бир асосий йўналиш – репродуктив саломатлиқни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Худудларимиздаги болалар даволаш муассасаларида илгари мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби янги бўлимларда мураккаб даволаш амалиётлари ўтказилмоқда.

Бундай улуғвор ўзгаришлар юртимизда хотин-қизлар соғлигини мустақамлаш, оналар ва гўдаклар ўлимнинг кескин камайишида муҳим омили бўлмоқда.

Шунингдек, патронаж хизмати мутлақо янги асосда йўлга қўйилди. Айниқса, ёлғиз, кекса, ногиронлиги бўлган, сурункали касалликларга чалинган шахсларни, бўлажак оналар ва болаларни патронаж хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш борасида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамшираларнинг уйма-уй юриб, ҳар бир шахсининг саломатлигини пухта ўрганишлари тўғрисида касалликларнинг олдини олиш, оилаларда тиббий мада-

данийни юксалтириш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Маълумки, ихтисослашган тиббиёт муассасалари асосан пойтахтда жойлашган бўлиб, кишилар даволаниш мақсадида вилоятлардан узоқ йўл босиб келишга мажбур эди.

Кейинги вақтда жойларда қўшимча муассасалар барпо этилиши ҳисобига аллергология, онкология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология ва инсульт, травматология ва ортопедия, нейрохирургия каби йўналишларга ихтисослашган марказлар сони 16 тага етказилди. Худудларда 310 та ихтисослашган бўлимлар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиали очилди.

Нафақат пойтахтимиз, балки Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда кардиожаррохликка оид энг мураккаб амалиётлар, етакчи марказларимизда буйрак ва жигар, ўзак хужайра трансплантациялари муваффақиятли бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тармоқда хусусий сектор улушини ошириш, давлат-хусусий шериклик ҳамда институционал ва ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, уларга кенг имтиёзлар тақдим этилаётгани натижасида бу йўналишдаги шифохоналар сони 5300 дан ошди.

Шунингдек, қисқа вақт ичида АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Исроил каби хоржий давлатлар билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ замонавий хусусий клиникалар иш бошлади.

Айни пайтда мамлакатимизда 7 та олий тиббий таълим даргоҳи ва уларнинг 4 та филиали, шунингдек, хориждаги нуфузли тиббий-илмий муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган 22 та халқаро факультет соҳага малакали ва етуқ мутахассисларни етиштириб бермоқда.

Республикамиз фармацевтика саноати ҳам изчил ривожланиб, арзон ва сифатли дори воситаларини кафолатланган тарзда етказиб бериш, уларга нарх белгилашнинг таъсирчан шакллари ишлаб чиқилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ҳажми бир неча баробарга оширилиши ислохотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, 2017 йилда соҳага 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 12,1 триллион сўмга етди. Бу ўтган йилларга қараганда 1,6 баробар кўп демекдир. Дори-дармонлар ва тиббий буюмлар харид қилиш ҳамда тиббиёт объектларини қуриш-таъмирлаш ишларига ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам 3 баробарга ортди.

Сўнги уч йилда 1300 дан ортиқ даволаш муассасасида қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, улар 2019 йилнинг ўзида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридида замонавий ва юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз томонидан шифокорларнинг залворли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга жиддий ёндашилмоқда. Бу каби ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Мазкур тармоқда бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттириш, тиббий хизматнинг сифатини ошириш, соҳага инновациялар ҳамда энг сўнги янгилликларни жорий этиш энг аввало соҳа мутасаддилари, олим ва шифокорлар, ҳамширалар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мажбурий тиббий сўғуртлаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридидаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини самарали йўлга қўйиш, тиббий таълим ва илм-фанни юқори босқичга кўтариш сингари жуда муҳим вазифалар олдимизда турибди. Ҳеч шубҳасиз, сидқидилдан ва жонбозлик билан меҳнат қилиб келаётган сиз, фидойи юртдошларимиз бутун салоҳият ва тажрибангиз, куч ва ғайратингизни сафарбар этиб, ана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этишга қодирсиз.

Барчамиз бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир. Сизлар ўзингизнинг бой билим ва маҳоратингиз, илғор малака ва кўникма, беғараз хизматингиз, касбингизга меҳр ва садоқатингиз билан халқимизнинг ишончини янада чуқурроқ қозонасиз, деб ишонаман.

Қадрли тиббиёт ходимлари!
Сизларни қутлуғ касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КЎНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илғор хоржий таъриба ва замонавий даволаш усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустақамлаш ишларига қўйган муносиб ҳиссаси, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, чуқур bilim ва юқори малакага эга мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда

ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

Джаббарова Бибинор – Денов тумани тиббиёт бирлашмасининг кардиология бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Абдуллаев Нурмамат – Самарқанд дав-

лат тиббиёт институти клиникаси бош шифо кори, Самарқанд вилояти

Азизов Мирҳаким Жавҳарович – Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Баратов Абдуманнон – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали ҳамкор ва асоратланган жароҳатлар бўлими мудири, Жиззах вилояти

Искандаров Тулкин – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

Тиббиёт ходимларига эътибор тўғрисида ҳаётимиз асоси

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Тиббиёт ходимлари кўни байрами ўзгача кўтаринки руҳда ўтказилди.

Байрам тадбирида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, шифокорлар, ҳамширалар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўлаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Бу йил илк бор байрам муносабати билан Президентимиз фармонига мувофиқ, соҳанинг бир гуруҳ фидойи ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.



Халқаро конференция



Ҳамкорлик ва тажриба уйғунлиги

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси, Президент Администрациясининг Тиббиёт бош бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида Тошкент вилоятдаги «Оқтош» санаторийида «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлиқни сақлаш ва тиклашда санатор-курорт муассасаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Беларусь, Болгария, Озарбайжон, Греция, Малайзия, Қирғизистон каби хоржий давлатлар вакиллари ва юртимиздаги санаторийлар раҳбарлари иштирок этди.

Эътироф

Ўрганишга молик жиҳатлар ниҳоятда кўп

Абиль АҒАСИЕВ, Озарбайжон қасаба уюшмалари Конфедерацияси раиси ўринбосари, Конфедерация Курортлар кенгаши раиси:



– Аввало, юқори даражада ташкил этилган халқаро конференция учун ташкилотчилардан миннатдоримиз. Бу бизнинг Санатор-курортлар бошқармаси билан ҳамкорлик алоқаларимизни мустақамлашганимизда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Бундан беш йил аввал ҳам келгандим. Бугунги таърифимизда тизимда кўпдан-кўп янгилликлар юз берганига гувоҳ бўлдим. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, барча соҳаларда инсон манфаатлари бош мезон этиб белгилашга эътиборлидир. Бу жиҳатнинг санатор-курортлар соҳасида ёрқин намоён бўлаётгани, айниқса, қувонарлидир.

қасаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти қабулида бўлди. Бу учрашув менда ниҳоятда катта таассурот қолдирди. Самимий қабул чоғида Ўзбекистоннинг эришяётган ютуқлари, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлди. Қасаба уюшмаларининг олиб бораётган кенг қўламли ишлари, соҳадаги янгилликлар билан танишар эканмиз, бу серқирра фаолиятдан ўртак олса арзийди, деган хулосага келдик.

Таъриф жарғивиди Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

41
Тураев Рахматилло Фузайлович – Бухоро шаҳри тиббиёт бирлашмасининг травматология ва ортопедия бўлими мудири, Бухоро вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Даминов Ботир Турғунпулатович – Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Ерназарова Умитгул Кунниязовна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали санавиация бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Мирзалходжаева Миясар Джумабаевна – Қуйи Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам шохобчаси катта фельдшери, Тошкент вилояти

Салоҳиддинов Зухриддин – Андижон давлат тиббиёт институтининг 1-умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси мудири, Андижон вилояти

Саримсаков Хомитжон Ахмедович – Ёзёнов тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Фарғона вилояти

Сулейманова Дилора – Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг анемия маркази мудири

Умарова Хайитгул Рузиевна – Қамаш тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Қашқадарё вилояти

Хайритдинова Мавжудохон Хамзаевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог

Халилова Замира Абдуганиевна – Олмазор туманидаги 14-оилавий поликлиникаси бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Мамадумарова Ширмонхон Якубжановна – Наманган тумани тиббиёт бирлашма-

сининг туғруқ бўлими неонатологи, Наманган вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдураимова Манзура Қувандиковна – Боевот тумани тиббиёт бирлашмасининг 2-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Сирдарё вилояти

Гафаров Бобожон Гафарович – Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими мудири, Навоий вилояти

Давлетова Дилорам Ринатовна – Тошкент шаҳри 5-болалар клиник шифохонаси бош шифокори

Дзугаева Людмила Руслановна – Хоразм вилояти Болалар уйи бош шифокори

Ешмуратова Замира Джалгасовна – Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Абдулазиз Абдухалимович – Андижон шаҳридаги «VISUS» масъулияти чекланган жамияти офтальмолог-жарроҳи, Андижон вилояти

Ким Клара – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали шошилинч педиатрия бўлими мудири, Фарғона вилояти

Қосимова Сайёра Ганиевна – Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Жиззах вилояти

Мўминов Аскар Убайдуллаевич – Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бош шифокори

Пулатова Шахноз Садуллаевна – 1-Республика клиник шифохонасининг реабилитация-неврология бўлими мудири

Расулова Саодат Чоршанбиевна – Ургант туманидаги «Мурувват» ногиронлар учун интернат уйи кичик тиббий ходими, Самарқанд вилояти

Рузқулов Шухрат Холматович – Термиз шаҳри юкумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Сафарова Гулнора Қохоровна – Когон шаҳри тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими педиатри, Бухоро вилояти
Султонсаидова Мухарам – Окқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

Усанова Мухтарам Баратовна – Нишон тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Ходжанов Искандар Юнусович – Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар травматологияси бўлими мудири

«Дўстлик» ордени билан

Азизов Исмаджан Казимович – Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат марказининг Гиёҳванд воситаларини назорат қилиш кўмитаси раиси

Акбаров Миршавкат Миралимович – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири

Ахмедов Каробек Уралович – Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери, Сирдарё вилояти

Байманова Замира Атахановна – Гурлан тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Хоразм вилояти

Давлетова Жамила Жоллибаевна – Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримова Эзазон Эгамбердиевна – Марҳамат туманидаги 33-қишлоқ оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Андижон вилояти

Оттепова Бахтигул Жусиповна – Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Учқудуқ тумани бўлимаси ижрочи директори, Навоий вилояти

Пушкарёва Ольга Викторовна – У.К.Курбанов номидаги Республика болалар руҳий асаб касалхонаси бўлим бошлиғи
Расулов Отабек Адилевич – Сурхондарё

вилояти перинатал маркази директори

Сайидов Тўракул Жўрақулович – Пешку туманидаги «TJS-MED» масъулияти чекланган жамияти бош шифокори, Бухоро вилояти

Фетиев Эдем Решатович – Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими педиатри, Наманган вилояти

Филиппова Марина Николаевна – Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмаси катта ҳамшираси, Самарқанд вилояти

Ширгазина Раиса Хакимовна – Фарғона вилояти 2-сил касалликларига қарши курашиш диспансери фтизиатри

Якубова Мамура Махаматовна – Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи ҳамшираси

«Шухрат» медали билан

Абдурахманова Джамиля Тулкуновна – Янгийул шаҳридаги «Рустамбек ният» хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

Азизов Маматкул Курбанович – Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Аминжоновна Гулшодхон Низомовна – Сўх тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими ҳамшираси, Фарғона вилояти

Артикова Саидахон Саъдуллаевна – Андижон вилояти юкумли касалликлар шифохонаси катта ҳамшираси

Бахронов Аскар Солиевич – Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Давлатов Азамат Ибройимович – Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог

Даминова Гулнора Ашуралиевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали анестезиология ва реаниматология бўлими ҳамшираси, Сурхондарё вилояти

Джураева Гуландом Мухтаровна – Зарафшон шаҳри кўп тармоқли марказий поликлиникасининг терапия бўлими участка терапевти, Навоий вилояти

Досматова Раножон Жумабаевна – Қосонсой тумани тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлими ҳамшираси, Наманган вилояти

Каримова Гулсара Райимовна – Яқкабоғ туманидаги «Саховат» кексалар ва ногиронлар учун интернат уйи катта ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Каримова Нигора Хабибуллаевна – Тошкент шаҳри 1-болалар клиник шифохонасининг анестезиология ва реанимация бўлими ҳамшираси

Кулдашев Абдунаби Ибадуллаевич – Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Мирсагатовна Клара Карабаевна – Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси неврология бўлими катта ҳамшираси

Мухитдинова Ёқутхон Нуритдиновна – Наманган вилояти болалар силга қарши курашиш санаторийси ҳамшираси

Сабуров Гайратдин Толыбаевич – Нукус тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳайитов Янгибой Чориевич – Қашқадарё вилояти ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази шифокори

Ҳамрақулова Зулхумор Ўзрзовна – Зомин туманидаги «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйи бош ҳамшираси, Жиззах вилояти

Юлдашходжаева Марҳамат Мингбаевна – «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Олмалик шаҳар таянч пункти директори, Тошкент вилояти

Ярбеков Рустам Раимкулович – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 ноябрь

«...»



41

Тадбирда ана шу мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева тантанали топширди.
Президентимиз табриғида таъкидланганидек, тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодир бўлади.
Шу маънода, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётдан, бугунги кундан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда.
Халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика, патронаж ёрдами янада яхшилаш, тез ва шошилинч тиббий ёрдам ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини юксалтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислох эътиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.
Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз тиббиёт тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Фармон билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.
Соҳани молиялаштириш ҳажми бир неча баробар оширилди. 2017 йилда соҳага 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсат-

Тиббиёт ходимларига эътибор тўғрисида ҳаётимиз асоси

кич 12,1 триллион сўмга етгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт объектиларини қуриш-таъмирлаш ишларига ажратилаётган маблағлар миқдори 3 баробар ортди.
Мамлакатимизда профилактик тиббиётни ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Айни пайтда халқимизга бу йўналишда 1793 амбулатория-поликлиника муассасаси, жумладан, 817 қишлоқ врачлик пункти, 798 қишлоқ оилавий поликлиникаси, 178 шаҳар оилавий поликлиникаси хизмат кўрсатмоқда.
Тиббиётнинг бирламчи тизимини мақбуллаштириш ишлари натижасида қишлоқ оилавий поликлиникаларида аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, тез ёрдам шохобчалари ва ижтимоий дорихоналари, 5 та тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди.
Аҳоли энг кўп муурожаат қиладиган соҳа – шошилинч ва тез ёрдам хизмати фаолияти ҳам кейинги йилларда янги босқичга кўтарилмоқда. Тез ёрдамнинг махсус санитар автотранспорт паркни янгилади. Тизимда икки ярим мингга яқин «Nissan», «Honda», «Toyota» русумли ва бошқа замонавий тез ёрдам машиналари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Янги харид қилинган 281 реанимобиль зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. 2019 йилда



Олий Мажлиси Олий Мажлиси

ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 филиали ташкил қилинди.
Тиббиёт тараққиёти эгган мамлакатларда қўлланилаётган илғор инновацион тиббий технологияларни мамлакатимиз тиббиётда жорий этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида буйрак ва жигар кўчириб ўтказиш бўйича энг мураккаб операциялар муваффақиятли бажариб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Республика гематология

вилояти перинатал маркази директори
Сайидов Тўракул Жўрақулович – Пешку туманидаги «TJS-MED» масъулияти чекланган жамияти бош шифокори, Бухоро вилояти
Фетиев Эдем Решатович – Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими педиатри, Наманган вилояти
Филиппова Марина Николаевна – Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмаси катта ҳамшираси, Самарқанд вилояти
Ширгазина Раиса Хакимовна – Фарғона вилояти 2-сил касалликларига қарши курашиш диспансери фтизиатри
Якубова Мамура Махаматовна – Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи ҳамшираси

мизни беҳад қувонтирмоқда. Буларнинг барчаси тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.
Ҳомилдор аёллар ва чақалоқларни перинатал ҳамда неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш тизими йўлга қўйилди. Худудлардаги болалар даволаш муассасаларида олдинлари мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби кўплаб янги бўлимлар ташкил этилиб, мураккаб амалиётлар ўтказилмоқда. Қолаверса, юртимиз перинатал муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши баробарида, мутахассислар

вожи учун кенг имкониятлар яратилди. Бугунга келиб бу йўналишда фаолият юритаётган шифохоналар сони 5300 дан ошди. Мамлакатимизда Россия, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Туркия каби давлатларнинг 100 дан ортиқ замонавий клиникаси ташкил этилди.
Соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотлар жараёнида тиббий таълим ривожига ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун 7 олий тиббий таълим муассасаси ва уларнинг 4 филиалида маляка кадрлар тайёрланмоқда. 2017 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали очилиши, Фарғона филиали тикланиши худудлардаги тиббиёт муассасаларини маляка кадрлар билан таъминлаш имкониятини кенгайтди.
Тиббиёт илм-фани, тиббий-илмий марказларнинг хориждаги нуфузли илм-фан муассасалари билан алоқалари ҳам мустаҳкамланмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртлири ва хориждаги нуфузли тиббий-илмий таълим муассасалари ҳамкорлигида 22 халқаро факультет очилди.
Таъкидланганидек, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган соҳадаги бу каби улкан ислохотлар жараёни келгусида ҳам изчил давом эттирилади.
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги А.Шодмонов ҳамкасбларини байрам билан табриқлади.
Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.
Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.
Моҳикул ҚОСИМОВА,
ЎЗА муҳбири

лика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири Миршавкат Акбаров. – Давлатимиз раҳбарининг фармони билан «Дўстлик» орденига сазовор бўлдим. Бу, албатта, бизни янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди. Шу ўринда бир гапни очиб айтиш керак, уч-тўрт йил олдин юракдаги очик жароҳат, трансплантация операциялари учун жуда катта маблағ эвазига чет элда даволанишга тўғри келарди. Эндиликда мана шундай 500 дан ортиқ мураккаб жарроҳлик амалиёти ўзимизда амалга ошириляпти. Нафақат республика ихтисослаштирилган марказларида, балки вилоятларда ҳам бундай жарроҳлик амалиётлари бажарилаётгани халқи-

Утган қисқа вақт оралиғида 1300 дан ортиқ даволаш муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилгани ва биргина 2019 йилнинг ўзига тиббиёт масканлари 100 миллион долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани халқимиз саломатлиги йўлида қилинган ишларнинг мезон ва қўламини кўрсатиб турибди.
Юртимизда хусусий тиббиёт ри-





Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Эл саломатлигини асраш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб эгаларини, саломатлик посбонларини **ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ** билан самимий муборакбод этади!



Эл соғлиғи – юрт бойлиғи. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлардан дилимиз янада равшанлашади, ғурур-ифтихор нурларига тўлади. Соҳани янада тараққий эттириш асосий вазифалардан этиб белгилангани эса келажакка қаратилган эътиборнинг ёрқин далилидир. Буларнинг барчасида инсон омили, унинг манфаатлари, келажакимиз ворисларини баркамол этиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамлашган. Бу йўлда фидойилик билан меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимизга байрам муборак бўлсин!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири
ШИФОКОР


Шифокор бўлишни хоҳладинг яккаш,
Бошқа касб-у кордан тамом кечгансан.
«Худо урсин» деган каломга ўхшаши,
Гиппократ номига қасам ичгансан.

Араб шайхими у, подачими ё,
Сенинг қабулингда оддий бир бемор.
Қонун қувлаб юрган ўғрини, ҳатто,
Даволашинг шартдир, чунки ваъданг бор.

Сени шогирдидек яратгандир Раб,
Ҳаётинг инсонга бахшида буткул.
Азиз одам учун турсанг ҳам йиғлаб,
Ёвуз бемордан ҳам узолмайсан қўл.

Ҳар қандай мушкулнинг топилар кори,
Ҳаво бор беморинг ётган хонада.
Фақат меҳр деган ноёб бир дори,
Учрамас ҳеч қандай дорихонада.

Дейман, бари сенда эрур мужассам,
Халатинг сингари хизматинг ҳам соф.
Гиппократга қанча ичмагин қасам,
Қалбингдан кетмасин Шафқат ва Инсоф.



МУАССИС:



O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.



Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлар – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқлиниши мумкин.**

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдураҳмонов

Мусоҳиҳ:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов

УЗА яқини – 21:45

Топширилди – 22:30

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г – 1117.

27511 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5